	10.Шимга ишлов бериш ва бириктириш								
45	Шим олд бўлақларига қоплама чўнтақларини бостириб тикиш	М	4	80	1.14				97-А
	Жами:	М	4	80	1.14	1	230.24	369	97-А
46	Шим олд ва орқа бўлак ён қирқимларини тикиб йўрмалаш	ММ	4	80	1.14				
	Жами:	ММ	4	80	1.14	1	310.24	369	Жуки Мо2516Д Д4
47	Шим ён чокларини бостириб дазмоллаш	Д	3	78	1.10				СС-392
48	Шим ўрта чоки қирқимларини йўрмалаш	ММ	4	76	1.09				Жуки Мо2516Д

										Д4
		Жами:	ММ	4	76	1.09	1	218.728	388	
49		Шим қадам қирқимларини тикиб бирданига йўрмалаш	ММ	4	79	1.13				Жуки Мо2516Д Д4
51		Шим ўрта чок қирқимларини бириктирма чок билан тикиш	М	3	65	0.93				
		Жами:	М	3	65	0.93	1	170.4	454	97-А
50		Шим қадам чокини дазмоллаш	Д	3	65					
52		Шим ўрта чокини ёриб дазмоллаш	Д	3	33					
		Жами:	Д	3	79	1.13	1	206.64	374	СС-392
53		Шим белбоғининг учларини бириктириб тикиш	М	3	30	0.43				97-А
54		Шим юқори қирқимига белбоғини ағдарма чок билан бириктириш	М	3	58	0.83				
55		Белбоғ қирқимини буклаб шимга бостириб тикиш	М	3	40	0.57				97-А
		Жами:	М	3	128	1.83	2	334.848	321	97-А

56	Шим пастки қирқимига тайёр манжетни тикиб йўрмалаш	ММ	4	66	0.94					Жуки Мо2516Д Д4
	Жами:	ММ	4	66	0.94	1	189.948	447		Жуки Мо2516Д Д4
57	Тайёр шимни илардан тозалаб дазмоллаш	Д	3	45	0.64		117.72			
58	Тайёр буюмни(тенниска ва шим) комплектлаш	Қ	2	20	0.29		46.74			
	Жами:	Д	3	65	0.93	1	170.4	454		СС-392
59	Тенниска елка мағзига 3та тугма қадаш	Я\А	3	28						
60	Қоплама чунтак қопқоқларига 3 тадан тугма қадаш	Я\А	3	42						СС-600
61	Шим манжетларига 3 тадан тугма қадаш	Я\А	3	60						
	Жами:	Я\А	3	130	1.86	2	340.08	227		
62	Тайёр буюмга охирги намлаб иситиб ишлов бериш	Д	3	54	0.77		141.264			
63	Буюмга прејскурант ёрлиғини тикиш	Қ	2	12	0.17		28.044			СС-392
	Жами:	Д	3	66	0.4	1	172.656	447		СС-392

	64	Буюмларни ДСТ бўйича тахлаб полиэтилен халтачаларига жойлаштириш	Қ	2	40	0.57				
	65	Тайёр буюмларни почкалаб маршрут варақаси орқали омборга топшириш	Қ	2	40	0.57				
		Жами:	Қ	2	80	1.14	1	186.96	369	
		Умумий:			338 8	48.21	48	8073907		

2.4. Технологик схемаси таҳлили

Технологик схема ҳисоблангандан кейин оқимдаги ташкилий операцияларни тузишнинг шартларига қанчалик риоя қилинганлигини текшириб кўриш зарур. Бунда ташкилий операциялардан ҳар бирининг бажарилиш вақти қанчалик тўғри мосланганлигини юклама (мослик) коэффиценти ва график усулда текшириб кўриш мумкин.

Юклама коэффиценти қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{\text{юкл}} = \frac{BC_{\text{буюм}}}{N_{\text{хис}} \cdot \tau}$$

$$K_{\text{юкл}} = \frac{BC_{\text{буюм}}}{N_{\text{хис}} \cdot \tau} = \frac{12634}{114,73 \times 106} = 1,0$$

Бу ерда:

$K_{\text{юкл}}$ – юклама коэффиценти;

$BC_{\text{буюм}}$ – битта буюмни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган вақт, сек;

$N_{\text{хис}}$ – оқимда ҳисобий ишлаб турган ишчилар сони;

τ – оқимнинг такти, сек.

Агар юклама $K_{\text{юкл}}=1$ бўлса, бутун оқимдаги ташкилий операциялар вақтларининг умумий якуни тўғри юкланган (мосланган) бўлади. Юклама коэффиценти $K_{\text{юкл}} - 1$ дан 2 % оғишига рухсат берилади.

Агрегат-гурӯҳ оқим учун $K_{\text{юкл}}=0,98 \div 1,02$.

График усулда текшириш учун мослик графиги (синхронлик графиги) ва бириктириш (монтаж) графиклари тузилади.

Мослик графиги бутун оқимдаги ҳамма ташкилий операциялар вақтларининг умумий якуни оқим тактидан қанчалик фарқ қилишини кўрсатади. Мослик графиги ишчиларни вақт билан тўғри ёки нотўғри таъминланганликларини тасвиран кўрсатади.

Оқимнинг технологик схемасида кийимлар тикилишининг технологик тартибига қанчалик риоя қилинганлигини текшириб кўриш учун бириктириш (монтаж) графиги тузилади. Бу график орқали буюмга ишлов беришнинг кетма-кет боришини тасвиран кўрсатади.

Жиҳозлар йиғма жадвали

<i>№</i>	<i>Жиҳознинг тури ва синфи</i>	<i>Жиҳозлар сони, дона</i>		<i>Жами</i>
		<i>асосий</i>	<i>эҳтиёж</i>	
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
1	Универсал машина 97-А	12	400.000	4.800.000
2	Махсус машина ЖукиМО-2516ДДР	14	450.000	6.300.000
3	Махсус машина Сс-600	4	500.000	2.000.000
4	Ярим автомат 7640 30С	1	500.000	500.000
5	Махсус машина 73401-ПЗ	1	800.000	800.000
6	Дазмол Сс-392	19	300.000	5.700.000
	Жами:	51		20.100.000

2.5. Оқимда иш ўринларини жойлаштириш

Иш ўринлари технология схемата шиклий операциялари гамостартибда (кетма-кетликда) жойлаштирилиши керак. Иш ўринлари уларнинг устида жиҳозларни, асбобларни, мослама ва тикиладиган буюмларни жойлаштириш қулай бўладиган қилиб, шунингдек, ишчилар энг қисқа ва энг оддий ҳаракатлар қиладиган қилиб жойлаштирилиши керак. Иш ўринларини иш столига кўндаланг жойлаштириш энг самарали усул бўлиб ҳисобланади.

Бунда иш ўрнидаги ишчи столдан буюмни чап қўли билан оладиган бўлиши ва машина олдида турадиган транспорт воситаларидан бирига ишлов берилгандан кейин қўйиши керак (Жиҳозларнинг ўлчамлари ва иш ўринларини жойлаштириш вариантлари М.Ш. Жабборованинг «Тикувчилик технологияси» дарслиги 401-404 бетларда берилган).

Кўшни иш ўринлари (жиҳозларнинг) оралиғи қуйидагича бўлиши тавсия этилади:

- буюмни тиззага олиб, ўтириб бажариладиган операцияларда 0,6-0,75 м;
- дазмоллаш ва қўл иш ўринларида 0,5 м;
- қатор турган иккита пресс оралиғи 0,4-0,5 м;
- пресс билан бошқа типдаги иш ўрни оралиғи 0,8 м;
- пресс билан транспортер оралиғи 0,3 м.

Иш ўринлари 1:100 масштабда бажарилади. Цехнинг кенглиги 18 м. Коллоналар қадами 6x6 м бўлади. Агрегатни жойлаштиришда цехнинг эни ва узунаси бўйлаб ўтиш йўллари қуйидагича қолдирилади:

- асосий ўтиш йўллари 3,0-3,5 м;
- цехнинг ён томон деворларидан агрегат бошланадиган ва иш тугайдиган жойгача оқимга тушириш ва битказиб чиқариш жойи бор томонда 3,5-4,5 м, оқимга тушириш ёки битказиб чиқариш жойи йўқ томонда эса 2,0-2,5 м, агрегатнинг ён томонидан деворгача 1,1-1,2 м, агрегатлар орасидаги йўл 2,0 м.

Агрегатдаги иш ўринлари билан колонналар оралиғи камида 0,5 м бўлиши шарт.

3. МЕХАНИКА ҚИСМИ

3.1. Мавжуд тикувчилик машиналари турлари, узел ва механизмлари.

Ватанимиз тикувчилик корхоналарида "Минерва" (Чехословакия) фирмаси синиқ баҳяқатор билан тикиш машиналари, "Паннония" фирмаси дазмоллаш пресслари, "Зингер", "Пфафф", "Адлер", "Жуки" (Япония) фирмалари ҳар хил турдаги тикув машиналари "Штробел" фирмаси - кўринмас чок ҳосил қилиб тикувчи, Россия ва Белоруссия енгил машинасозлик заводларида ишлаб чиқарилаётган универсал ва махсус вазидали тикув машиналари кенг қўлланилмоқда.

Тикув машиналарининг турлари.

Хозирги вақтда вазифаси ва тузилиши жиҳатидан турли хил бўлган, фан ва техниканинг охириги ютуқларига асосланиб яратилган, замонавий технология талабларига жавоб берувчи, автоматлаштирилган ва электрон бошқарувли тикув машиналари чиқарилмоқда.

Тикув машиналарини яратиш ва такомиллаштиришда тикиладиган материалнинг физика-механикавий хоссаси ва тузилиши, технологик жараёнга таъсир қилувчи факторлар эътиборга олинади. Тикилаётган материалнинг ишқаланиш коэффициенти, чўзилишлиги, зичлиги, эриш температураси каби параметрлари-тикувчилик машинаси конструкциясига, баҳяқатор ҳосил бўлишдаги иплар боғланишлигига, қўлланиладиган игна геометриясига, машина тезлик кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Баҳяқатор ҳосил бўлиш жараёнида иплар чалишиш характериға қараб тикув машиналари икки гуруҳға бўлинади:

- моки баҳяли тикув машиналари;
- занжирсимон баҳяли тикув машиналари.

Моки баҳяқатори қам чўзилувчанлиги ва пухталиқ хусусиятиға эға бўлганлиги учун, моки баҳяси билан тикувчи машиналари асосан қаттиқ ва мустақкам газламаларни тикишда қўлланилади.

Занжирсимон баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар чўзилувчан трикотаж газламаларни тикишға ва кийим деталларини вақтинчалиқ бирлаштиришға мўлжалланган.

Тикув машиналари вазифасиға кўра қуйидаги гуруҳларға бўлинади:

- моки баҳяли тўғри баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар;
- бир ипли занжирсимон тўғри баҳяқатор билан тикувчи машиналар;
- кўп ипли занжирсимон тўғри баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар;
- моки баҳяли синиқ баҳяқатор билан тикувчи машиналар;
- газлама четларини йўрмаш машиналари;

- яширин баҳяли тикув машиналари;
- тугма ва бошқа фурнитураларини қадайдиган, пухталайдиган ва калта чокларни тикадиган, ҳалқа йўрмайдиган ва буюмнинг айрим деталларига ишлов берадиган яримавтоматик тикув машиналари.

Тезлик кўрсаткичлари бўйича тикув машиналари уч гуруҳга бўлинади:

- асосий валнинг айланишлар частотаси 2500 айл/мин. гача бўлган паст тезликли;
- 2500 айл/мин. дан 5000 айл/мин. гача бўлган ўртача тезликли;
- 5000 айл/мин. дан юқори бўлган катта тезликли.

Ишчига нисбатан жойлашиши бўйича тикув машиналари ўнг, чап ва фронтал қулочли бўлади. Тикув машинаси ишчи қулочи ишлов берилаётган маҳсулотнинг максимал ўлчамини аниқлайди. Ишчи қулочлари бўйича тикув машиналари қуйидагиларга бўлинади:

- қисқа ишчи қулочли (Л-200 мм гача);
- ўртача ишчи қулочли (Л-200 мм дан- 260 мм гача);
- узун ишчи қулочли (Л-260 мм дан юқори).

Тикув машиналарининг асосий механизмлари.

Моки ва занжирсимон баҳя ҳосил қилиб тикувчи машиналар қуйидаги асосий механизмлардан тузилган:

- игна механизми;
- моки ва чалиштиргич механизмлари;
- материални суриш механизми;
- ип тортгич (ип узатгич) механизми;
- тепки узели.


Юқорида кўрсатилган асосий механизмлар қаторига баъзи тикув машиналарида қўлланилган тақсимлагич, кенгайтиргич каби механизмлар ҳам киради.

Қўшимча механизмлар механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган гуруҳларга бўлинади. Механизациялаштирилган механизм ва қурилмаларга қуйидагилар киради:


- материални йўналтиргичлар;
- ўлчаш ва роликли суриш механизмлари;
- игна остига тўқилган тасмаларни узатувчи механизмлар;
- бўрттиргичлар, чекловчи мосламалар;
- газлама чеккасини қирқувчи механизмлар;
- пухталаш механизмлари;
- игнани совутиш қурилмаси ва ҳоказо.

Бу механизмлар тикув машиналарининг вазифаларига ва технологик талабларига қараб ҳар хил конструкцияларга ва иш принципларига эга. Автоматлаштирилган механизм ва қурилмалар гуруҳига қуйидагилар киради:


- автоматик тўхтатиш қурилмаси;
- игнанинг керакли ҳолатида автоматик тўхтатиш;
- вертикал пичоқ билан ип ва тўрсимон материалларни қирқиш;
- остки ипни қирқиш;
- тепкини автоматик кўтариш;
- мойлаш жараёни бузилганда ва ип узилганда маълумот бериш;
- ўрамлардан газламани автоматик бўшатиш;
- маҳсулотни ҳисоблагич ва ҳоказо.




1-схема. Игна механизмларининг турлари.



2-схема. Моки механизмларининг турлари



3-схема. Ип тортгич механизмлари синфланиши.



4-схема. Газламани суриш механизмлари турлари.

3.2. Юқори тезлигли замонавий (Пффаф) тикув машинаси асосий механизмларининг ишлаш принципи


Игна механизми. Бу машинада кривошип-шатунли игна механизми ишлатилади. Асосий вал 23 (1-расм) учта шарикли подшипник 24, 23 да айланади, асосий валнинг ўнг учига маховик ғилдирак 26 иккита винт 25 ёрдамида маҳкамланган. Маховик ғилдирак 26 нинг орқа томонига унинг қўлда айлантириш қулай бўлсин учун учта винт билан қопқоқ 27 маҳкамланган. Маховик ғилдирак 26 нинг ариқчасига понасимон тасма 28 киритилган бўлиб, у электр юритгичи шкивидан айланма ҳаракатни асосий вал 23 га узатади.

Асосий вал 23 нинг чап учига винт 30 ёрдамида кривошип 29 маҳкамланган, кривошип тешигига бармоқ 14 қўйилган ва иккита винт 21 маҳкамланган.

Бармоқ 14 нинг ташқи елкасига игнали подшипник 13 киритилган шатун 7 нинг устки каллаги кийдирилган. Шатун 7 устки каллагининг ўқ бўйлаб силжиши 10 чапақай резьбали винт 8 ёрдамида бартараф этилади. Шатун 7 нинг остки каллаги винт 5 ёрдамида игна юритгич 3 маҳкамланган поводок 6 нинг бармоғига кийдирилган. Поводок 6 бармоғининг ўнг томонига машина корпусига винтлар маҳкамланган йўналтиргич 33 нинг пазига қўйилган ползун 32 кийдирилган. Игна юриткич 3 машина корпусига винт 11 ёрдамида маҳкамланган иккита втулка 8, 4 ичида ҳаракатланади.

Игна юритгичнинг пастки томонига симдан ясалган ип йўналтиргич 2 маҳкамланган. Игна юритгичга қисқа ариқчаси тикувчидан ўнг томонга қаратиб ўрнатилган игна 1 винт 35 ёрдамида маҳкамланган (моки баҳяли машиналарда қисқа ариқча моки учига қараб туриши лозим).

Асосий вал 23, кривошип 29 ва унинг бармоғи 14 айланганда айланма ҳаракат шатун 7 ёрдамида игна юритгич 3 билан игна 1 нинг илгариланма ҳаракатига айланади.



1-расм. Юқори тезлигли замонавий (Пффаф) тикув машинасининг игна ва ип тортгич механизмлари: а- конструктив ва б-текисликдаги структуравий схемалари

Игна 1 нинг моки учига нисбатан баландлиги винт 5 ни бўшатгандан кейин игна юриткич 3 ни вертикал суриб ростланади. Бунинг учун игна 1 ни, найча тутгич пази 16 нинг тагидан игна кўзининг ярми кўришиб турадиган қилиб, энг пастки ҳолатга тушириб қўйилади.

Ип тортгич механизми. Машинада шарнир-стерженли ип тортгич ишлатилади. Кривошип 15 бармоғи 14 нинг (1-расмга қаранг) ички елкасига ип тортгич ричаги 15 кийдирилган, ричагнинг пастки тешигига эса подшипник 15 қўйилган. Ричаг 19 нинг ўрта тешигига звено 18 нинг бармоғи кийдирилган, унинг орқа каллаги винт 17 билан машина корпусига маҳкамланган шарнирли бармоқ 16 га кийдирилган. Ричаг 19 нинг қулоқчаси 20 машина ўйиғидан чиқиб туради ва унга ип тақилади.

Моки механизми. Машинада марказий найчали бир текис айланадиган моки ишлатилади. Асосий вал 1 га (1-расм) иккита винт 2 ёрдамида тишли барабан 3 маҳкамланган; тақсимлаш вали 18 га иккита винт 16 ёрдамида

тишли остки барабан 15 маҳкамланган. Бу барабанларга пластмассадан ясалган тишли тасма 5 кийдирилган булиб, тасма 5 ни ўқ бўйлаб силжиши барабанни халқали ариқчасига қўйилган пружинали ўрнатиш халқалари 4 ёрдамида бартараф этилади. Тақсимлаш вали 18 шарикли подшипник 17 ва иккита втулка 19,73 да айланади. Тақсимлаш вали 18 нинг ўқ бўйлаб силжиши ўрнатиш халқаси 20 ёрдамида бартараф этилади. Тақсимлаш вали 18 га иккита винт 69 ёрдамида қия тишли ғилдирак 21 маҳкамланган, бу шестерня моки вали билан бирга тайёрланган ғилдирак 22 билан илашади ($i=1:2$). Моки вали машина корпусига винт 31 билан маҳкамланган втулка 30 да айланади. Моки валининг чап учига иккита винт 33 ёрдамида моки 34 маҳкамланган.

Маховик ғилдирак айлантирилганда, моки 34 соат мили ҳаракатига қарши айланади. Мокининг учи игнага ўз вақтида етиб келиши винтлар 33 ни бўшатиб, моки 34 ни буриб ростланади. Бунда игна энг пастки ҳолатдан 1,6-1,9 мм кўтарилганда моки учининг пастки чети игнақўзининг пастки чети игна қўзининг пастки четидан 0,9:1,1 мм юқорида туришига эришиш лозим.

Моки учи 34 билан игнанинг орасидаги зазор 0,1-0,5 мм бўлиши керак бўлган зазорни винт 31 ни бўшатиб, втулка 30 ни ўқ бўйлаб силжитиб ростланади.


Материалларни суриш механизми. Бу механизм тишли рейкани вертикал суриш ва горизонтал суриш узелларидан, баҳя ростлагичдан ва тепки узелларидан иборатдир.

Рейкани вертикал суриш узели. Тақсимлаш вали 18 га иккита винт 71 ёрдамида қўшалок эксцентрик маҳкамланган, унинг ўнг қисмига-кўтариш эксцентрига шатун 23 нинг (2-расмга) орқа каллаги кийдирилиб, бу каллакнинг тешигига игнали подшипник 70 қўйилган. Шатун 23 нинг олд каллаги винт 26 ёрдамида коромисло 24 тешигига қўйилган ўқ 27 га маҳкамланган. Коромисло 24 кўтариш вали 32 га винт 25 ёрдамида маҳкамланган, бу вални втулкалар 28, 37 тутиб туради, кўтариш вали 32 нинг ўқ бўйлаб силжиши ўрнатиш халқаси 29 ёрдамида бартараф этилади.


Кўтариш вали 32 га винт 35 ёрдамида коромисло 36 маҳкамланган, бу коромисло звено 38 орқали материалларни суриш механизмининг ричаги 39 билан бириктирилган. Бу ричагга иккита винт 41 ёрдамида рейка 40 маҳкамланган. Агар кўтариш эксцентриги шатун 23 тикувчидан олдинга томон ҳаракатланса, бунда коромислолар 24, 36 билан кўтариш вали 32 соат мили ҳаракати йўналишига бурилиб, звено 38 рейка 40 ни кўтаради.

Рейкани горизонтал суриш узели. Суриш механизмининг чап эксцентригига шатун 72 нинг олд каллаги кийдирилиб, унинг тешигига игнали подшипник ўрнатилган. Шатун 72 нинг кетинги каллаги рамка 57 га иккита винт 59 ёрдамида маҳкамланган ўққа кийдирилган. Звено 56 билан коромисло 61 даги тешикларга киритиб қўйилган ўқ 58 рамка 57 нинг таянч нуқтаси вазифасини ўтайди. Рамка 57 нинг ўқига кетинги шатун 55 нинг каллаги кийдирилган, устки каллаги эса ўқ 52 га кийдирилиб, винт 53 билан маҳкамланган. Ўқ 52 винт 51 ёрдамида суриш механизми 47 нинг валига маҳкамланган коромисло 50 нинг тешига ўрнатилган. Бу вални иккита втулка 44, 49 тутиб туради, унинг ўқ бўйлаб силжитиш ўрнатиш халқаси 48 ёрдамида бартараф этилади. Коромисло 43 винт 42 ёрдамида вал 47 га маҳкамланган, коромисло 43 нинг тешигига материал суришнинг механизмининг ричаги 39 кийдирилган ўқ 45 ўрнатилади. ўқ 45 коромисло 43 га винт 46 ёрдамида маҳкамланган(2-расм).

Тикув машинаси учун юқори иш самарадорлигига эга бўлган қайишқоқ элементли газламаларни суриш механизмининг конструкциясини ишлаб чиқиш ва праметрларини асослаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотишлар натижасида янги эластик элементли газламаларни суриши механизми конструкияси ишлаб чиқилди.



2-расм. Юқори тезлигли замонавий (Пффаф) тикув машинаси материални суриш механизм.



3.3. Ип-тортгич механизмнинг ишлаш принципи.

Механизмнинг вази фаси чалиштириш жараёнининг ҳар бир босқичи учун зарурий узунликдаги ипни узатиш, бахяни таранглаш, бахя хосил бўлиш учун сарфланганига ипни ғалтакдан эчишдани боратдир. Механизмнинг ишчи чалиштириш учун зарур бўлганига ип сиртмоғи периметри $P_{и}$ нинг ўзгариш қонуни билан аниқланади. Расмда ипнинг ғалтак 1 ва тўхтатгич 2 дан чалиштирилишда иштирок этувчи асбобларнинг таъсиридан бўлган бахя 3 даги ўрнатмагача бўлган қисми кўрсатилган.

$P_{и}$ ўзгариши билан механизм зарурий узунликдаги ипни бўшатиши керак бўлиб, бу ип узатгич кўзчаси F нинг ҳолатини вертикал бўйича ўзгартириб амалга оширилади, натижада кўзгалмас йўналтиргичлар H_1 ва H_2 да тармоқлар $l_1 + l_2$ йиғиндисининг узунлиги ўзгаради.

Чалиштиришнинг ва бахя тортилишининг бутун даври учун ип узатилиши (сарфи) $P(\varphi)$ диаграмма билан тасвирланиши мумкин. Диаграммани куриш жараёнини кўриб чиқамиз: $P(\varphi)$ нинг мусбат йўналиши стрелка билан кўрсатилган. Куришни 1 нуқтадан бошлаймиз, бунда F нуқта қарангю қоричекка ҳолатни эгаллайди. $P(\varphi)$ функцияни аргументини ҳисоблашнинг бошланиши қилиб инингю қоричекка ҳолатига мос келувчи бурчакни қабул қиламиз.

Қисм 1,2 ипнинг юксиланиши, унинг деформацияситушиши билан тасвирланади. Нуқта 2 да ип сарфи $P_2 = 0$ деб ҳисоблашқабул қилинган. Игнанинг материал сатҳига тушиши ва ишлов бериш объектининг бир бахяга силжиши 2,3 қисмда содир бўлади. Бу қисмдаги ип сарфи $P_{2,3}$ а дан аниқланиши мумкин:

$$P_{2,3} = l_3 - y = k_1 (\sqrt{x^2 + y^2} - y)$$

бу эрда:

l_3 — игна кулоқчасидан материал сатҳига

бўлгани қисмининг узунлиги;

x – материалнинг силжиши;

y – игнанинг силжиши;

k_1 -игна ипихақиқий шаклининг ҳисоблашда

қабул қилинган дан четлашувини ҳисобга олувчи коэффициент;

Келгусида k_2, k_3, k_4 коэффициентлар ҳам ўхшаш маънога эга бўлади.

Нуқта 3 да $y=0, x=t$ бўлиб, бу эрда t – бахя узунлиги. Бунда нуқта 3 да ипсарфи $P_3 = k_1 t$.

Игна пастки чекка ҳолатдан Δ укатталиққа кўтарилганда 4,5 қисмда игна ипида сиртмоқ ҳосил бўлади. Моки игна ипи сиртмоғини олиб олиши пайтида (4-нуқта) ипнинг сарфи ошмайди, яъни $P_5 = P_4$ деб қабул қилиш мумкин.

Игна ипи сиртмоғининг моки бурунчаси биланилиб олиниши ва унинг кенгайтирилиши 5,6 қисмда содир бўлади. Ипсарфи

$$P_{5,6} = P_4 + L \frac{\psi}{\alpha} k_4,$$

буерда:

ψ – мокининг бурилиш бурчаги; α – бурунча узунлигига мос келувчи бурчак; L – моки бурунчаси асосидаги кесим периметри.

Игна ипи сиртмоғини кенгайтиришнинг охирида ва айлантиришнинг бошланишида (6-нуқта) $\psi = \alpha$; бунда $P_6 = P_4 + k_4 L$.

Моки ёки найтутгич атрофида сиртмоқни айлантириш 6,7 қисмда содир бўлади. Бунда ипсарфи

$$P_{6,7} = P_6 2k_5 \left(2R \sin \frac{(\psi - \alpha)}{2} + c \right),$$

буерда:

R ва c – мос равишда моки радиуси ва унинг эни. Нуқта 7 да $\psi - \alpha = \pi$, бунда ипсарфи максимал бўлади.

$$P_7 = P_{\max} = P_6 2k_5 (D + c)$$

буерда $D = 2R$.

Нуқта 7 дан сўнг ип узатгич кўзчаси юқорига ҳаракатлана бошлайди.

Сиртмоқмокидан эчиб олинади ва захирадаги иптанлаш содир бўлади (7,8 қисм). Игна ипинуқта 8 да мокибилантўлиқ контактдан чиқади. Игна ипни игна пластинаси остидан 8,9 қисмда чиқади ва 9,1 қисмда бахя тортилади.

Шутарзда қурилган $\Pi(\varphi)$ боғлиқлик (И эгричизик) φ нинг мос равишдаги қийматида игна ипнинг талаб этилган узунлигини тавсифлайди ва зарурий ипузатилишининг диаграммасидеб айтилади. Бу ипузатиш механизми нило йиҳалашнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Машинада ҳақиқий узатиладиганип (ИИ эгричизик) зарурий узатиладиганидан фарқ қилади – у оддий ташқи кўринишга эга ва унинг ординатаси бирор қисмда ҳам зарурий узатиш диаграммасининг ординатасидан кам бўлмайди.

Параметрик синтез босқичида ипузатиш механизмларини ло йиҳалаш ва сизвеноларнинг чизикли ва бурчак параметрларини аниқлашдан, кулачокларни профиллашдани боратдир.

Ипузатиш диаграммаси ло йиҳалаш учун асос бўлади. 1,9 қисмда қуйидаги гамиз:

$$l_{1i} + l_{2i} = l_o + (\Pi_{\max} - \Pi_i)$$

Бутенглама ипузатиш механизмларини ло йиҳалаш ва сизвасининг, унинг берилган талабларга мослигини аниқловчи чеклашлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бошқа чеклашлар механизми шлашининг технологик шартлари, конструктив тузилиши, мустаҳкамлик, пухталиқ шартлари билан аниқланади.

Ипузатиш механизми конструктив жиҳатдан кулачокли, кулисали, шарнир-стерженли, ротасион бўлиши мумкин (3-расм). Кулачокли механизмда (8-расм, а) кулачок 1 профилиричаг-ипузатгич 2 нинг бурилишини ва ипузатгич кўзчаси Φ нинг ипий ўналтиргичлар H_1 ва H_2 га

нисбатансилжишинитаъминлайди ва бу ипнинг l_1 ва l_2 қисмлари узунлигини ва чалиштириш учун зарур бўлганига ип сирт моғипериметри $P(\varphi)$ нинг ўзгаришини билдиради .


Кулачокли механизмлар жуда катта бўлмаган четлашишлар билани пузатиш диаграммасини куришимкони билдиради. Бахя узунлиги ва тикиладиган газлама қалинлиги камайтирилганда иккикўзчалиричаг-ипузатгичларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бироқ кулачоклар роликлар биланилашганда кучланишларнинг катта бўлиши ва уларнинг нисбий сирпанишга нисбатан тезликларнинг юқори бўлишиту файлибу механизмлар умрбоқий эмас ва фақат баъзи оғир машиналарда қўлланилади.

Кулисалимеханизм (3-расм, Б) кривошип 4, учкалла клишатун 5, суҳар 3, ричаг-ипузатгич 2 дан ташкил топган. Кулисалимеханизмларда кўзчалар Фтебранувчи кулиса билан маҳкам қотирилган ричагларда жойлашган. Кулисалимеханизмлари пузатиш диаграммасини жуда аниқ амалга оширмайди ва фақат диаграмманинг баъзини уқталарида яқинлашувни таъминлайди. талаб этилган яқинлашиш нуқталарининг сони ошиши билан механизмни лойиҳалаш маълум даражада мураккаблашади.


Шарнир-стерженли механизм (3-расм, в) кривошип 4, бирлаштирувчи звено 7, ричаг-ипузатгич 2 дан ташкил топган. Бумеханизм ҳам кулисалининг арифакати пузатиш диаграммасининг баъзини уқталарида яқинлашувни таъминлайди.

Айланувчи ипузатгич (3-расм, г) мураккаб шаклдаги сиртга эга бўлган деталдани борат бўлиб, у билан чалиштириш жараёнида ип контактлашади.


Ипузатгични мувозанатлашимкони ятининг мавжудлигининг афзаллиги бўлиб ҳисобланади.



3-расм. Чалиштиришжараёнида ипқисмларинингсхемаси




4-расм. Игна ипиниузатишдиagramмаси



5-расм. Ипузатишмеханизмлариконструкцияси:

3.4. Юқори тезлигли замонавий (Пффаф) тикув машинаси ип-тортгич механизмнинг структуравий таҳлили



Берилган:

Юқори тезлигли замонавий (Пффаф) тикув машинаси ип-тортгич механизм звеноларининг узунликлари:

l_{O_1A} -42 мм.

l_{AB} - 50 мм.

l_{BC} - 55 мм.

l_{O_2B} - 52 мм.


ω_1 – 4500 р/с.

Биз биламизки игна механизми ўз таркибига қуйидаги звеноларни олган:

1-кривошип, 2-ип-тортгич ричаги, 3-каромисло, 4,5-қўзғалмас звенолар (таянч).

Ип-тортгич механизмнинг структуравий таҳлилини биз етакловчи звено яъни кривошипдан бошлаймиз.

Кривошип ўз ўқи атрофида 360° га бир текисда айланма ҳаракат қилади. Ип-тортгич звеноси А нукта бўйича айланма, В нукта бўйича илгариланма–қайтма ҳаракат қилади. Натижада ушбу звенода мураккаб ҳаракат содир бўлади. Ип-тортгич кўзчаси С нуктани ўз навбатида илгариланма-қайтма ҳаракатга келтиради. Таянчларнинг қўзғалмас ҳаракати эса 0 га тенг бўлади.



3-расм. O_1 таянч билан кривошипнинг боғланиш схемаси.

O_1 таянч билан кривошипнинг боғланиши Ассур бўйича II-синф 1-тартибли механизм деб қабул қилинади.

$$n=1, P_5=1 (1-4)$$

бу ерда: n -қўзғалувчан звено сони.

Академик Чебишев П.А. формуласи бўйича қўзғалувчанлик даражасини топамиз.


$$W=3n - 2P_5 - 1P_4$$

Бу ерда: P_4 – IV-синф кинематик жуфтлар сони бўлиб, игна механизмида мавжуд бўлмайди, яъни «0» га тенг деб оламиз.

$$\text{У вақтда } W=3n - 2P_5 - 1P_4 = 3*1 - 2*1 - 1*0=1$$

Демак, кривошип – ип-тортгич механизмини ҳаракатини таъминловчи звено бўлиб хизмат қилади.

Ассур гуруҳи.



4-расм. Каромисло ва ип-тортгич звеноларининг боғланиш схемаси.

Чизмада қўзғалувчан звенолар сони $n=2 (2,3)$

В-синф кинематик жуфтлар сони $\Pi_5 = 3$ (1-2, 2-3, 3-4)

Юқорида айтиб ўтганимиз каби $P_4 = 0$ тенг бўлади.

$$W = 3n - 2\Pi_5 - 1P_4 = 3 \cdot 2 - 2 \cdot 3 - 1 \cdot 0 = 0$$

Демак, бу ерда Ассур гуруҳи ҳаракатда бўлмаган гуруҳ ҳисобланади, яъни $W = 0$.

Игна механизмининг қўзғалувчанлик даражасини аниқлаймиз

$$W = 3n - 2\Pi_5 - 1P_4 = 3 \cdot 3 - 2 \cdot 4 - 1 \cdot 0 = 1$$

Бу ерда:

$$n = 3 \quad (1, 2, 3) \quad P_5 = 4(1-4, 1-2, 2-3, 3-4) \quad P_4 = 0$$

Демак, формуладан кўринадикки, игна механизмини кривошип звеноси ҳаракатга келтиради.

Механизмининг структуравий тузилиш формуласи қуйидагича бўлади:

$$W_{\text{механизм}} = W_{\text{И-синф 1-тартибли механизм}} + W_{\text{И-синф 2-тартибли Ассур}} = 1 + 0 = 1$$

4. ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ

4.1. Режалаштириш калкуляцияси

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун маълум миқдорда хом ашё ва материаллар, меҳнат ва пул маблағлари сарфланади. Маҳсулот таннархи – ҳар бир ишлаб чиқариш бирлашмасининг, корхонасининг ишлаб чиқариш фаолиятида энг муҳим иқтисодий кўрсаткичдир.

Маҳсулотнинг тўла таннархи корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилган харажатлари ва улардан ташқари маҳсулотни реализация қилиш харажатлари йиғиндисидан иборат. Маҳсулот таннархининг пасайишига ҳар хил техник-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади.

Маълум буюмнинг таннархини ҳисоблаш учун белгиланган жадвал шаклида режалаштириш калкуляцияси тузилади.

Режалаштириш калкуляцияси қуйидаги моддалардан иборат:

1-модда: Асосий материаллар харажати.

Асосий материалларнинг ҳамма турлари бўйича уларнинг сарф нормалари улгуржи баҳолари кўпайтмасига тенг.

2-модда: Асосий ва қўшимча иш ҳақи.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашаётган ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақларига тенг. Бунда асосий иш ҳақи тикув цехлари учун ишлаб чиқариш нархига асосан олинади. қўшимча иш ҳақи асосий маошдан фоиз ҳисобида олинади.

3-модда: Маҳсулотнинг цех таннархи

Ушбу моддага қуйидагилар киради: социал суғуртага ажратмалар, жиҳозларни ҳолатини ва цех харажатлари.

Белгиланган давлат миқдорида ижтимоий суғурта фондига ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақидан ажратма аниқланади.

4-модда: Маҳсулотнинг корхона таннархи

Ушбу моддага қуйидагилар киради: умумкорхона харажатлари, бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.

5-модда: Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар

Режалаштириш калкуляцияси

№	Харажат номланиши	модаларининг	Сарф нормаси	Улгуржи нархи, сум	Харажатлар микдори, сум
1	2		3	4	5
1.	Асосий материаллар, шу жумладан:		2.000	4.000	6.000
	- Трикотажмат, м		0,3	800	1.600
	- Елимли қотирма, м		3	200	600
	- тугма, дона		1	400	400
	-ип, дона				
	Жами материаллар харажати:				8.600
2.	Асосий ва қўшимча иш ҳақи:				
	- асосий иш ҳақи		100		419.61
	- қўшимча иш ҳақи		75		314.70
	Жами иш ҳақи:				734.31
3.	Социал суғуртага ажратмалар		40	-	167.84
	Жихозларни ҳолатини ва ишлатишини таъминлаш				
	Цех харажатлари				
	Жами цех таннархи:				
4.	Асбоб-ускуналар ҳолатини ва эксплуатациясини таъминлаш		20	-	83.92
	Цех харажатлари		10	-	41.96
	Жами маҳсулотнинг цех таннархи				293.72
5.	Умумкорхона харажатлари		20	-	83.92
	Бошқариш чикариш харажатлари		10	-	41.96
	Жами маҳсулотнинг корхона таннархи:				125.88
6	Ишлаб чикаришдан ташқари харажатлар		10	-	41.96
	Буюмнинг тўла таннархи				1.204.47

4.2. Капитал харажатлар

Капитал харажатлар асосан буюмни ишлаб чиқариш учун ёки цехни ташкил этишга сотиб олинган замонавий талабларга жавоб берадиган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва уларга сарфланган маблағ киради.

Капитал харажатларни ҳисоблашдан олдин оқимдаги ҳар бир жиҳоз ёки асбоб-ускуналарнинг нархи ва оқимда (цехда) унинг сонини аниқлаш лозим. Бунинг учун меҳнат тақсимотидаги жадвалдан фойдаланиб илова 2 да келтирилган «Жиҳозлар нархи» билан ҳисоблаш лозим.

4.2-жадвал

Капиталхаражатлар ҳисоби

№	Жиҳозлар номи ва тури	Жиҳозлар сони, дона	Бирта жиҳознинг нархи, сўм	Жиҳозларнинг умумий нархи, сўм
1	2	3	4	5
1	Универсал машина 97-А	12	400.000	4.800.000
2	Махсус машина ЖукиМО-2516ДДР	14	450.000	6.300.000
3	Махсус машина Сс-600	4	500.000	2.000.000
4	Ярим автомат 7640 30С	1	500.000	500.000
5	Махсус машина 73401-ПЗ	1	800.000	800.000
6	Дазмол Сс-392	19	300.000	5.700.000
	Жами:	51		20.100.000

4.3-жадвал

Буюмнинг таннархи ўзгаришининг ҳисоби

№	Харажат моддалари	Ўлчов бирлиги	Харажатлар, сўм		Жами
			Х _{амал}	Х _{би}	
1	2	3	4	5	6
1	1-модда: Асосий материалар харажатлар		8.780	8.600	-180
2	2-модда: Асосий ва қўшимча иш ҳақи: асосий қўшимча	100	443.47	419.61	-23,86
		75	332.59	314.70	-17,89
	Жами иш ҳақи харажатлар		776.06	734.31	-41,76

3	<u>3-модда:</u> Ижтимоий суғуртага ажратмалар	40	177.39	167.84	-9,55
	Жиҳозларни таъмирлашга ва ишлатишга харажатлар	20	88.69	83.92	-4,77
		10	44.35	41.96	-2,39
	Цех харажатлари				
<i>Жами маҳсулотнинг цех таннархи</i>			<i>310.43</i>	<i>293.72</i>	<i>-16,71</i>
4	<u>4-модда:</u> Умумий цех харажатлари	20	88.69	83.92	-4,77
	Бошқа харажатлар	10	44.35	41.96	-2,39
<i>Жами корхона таннархи:</i>			<i>133.04</i>	<i>125.88</i>	<i>-7,16</i>
5	<u>5-модда:</u> Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар	10	44.35	41.96	<i>-2.39</i>
<i>Буюмнинг тўла таннархи</i>			<i>1.272.66</i>	<i>1.204.47</i>	<i>-248,02</i>

4.3. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш

Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигининг ҳисоби қуйидаги босқичлардан иборат:

- буюмни иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш;
- йиллик самарадорликни ҳисоблаш;
- харажатларнинг қоплаш муддатини ҳисоблаш.

1. Буюмнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$ИС_{буюм} = \rho_{амал} - \rho_{БИ}, \text{ сўм} = 443.47 - 419.61 = 23,86 \text{ сўм}$$

Бу ерда:

ИС_{буюм} – буюмнинг иқтисодий самарадорлиги;

ρ_{амал} – амалдаги ишлов бериш нархи;

ρ_{БИ} – битирув ишининг ишлов бериш нархи.

2. Йиллик иқтисодий самара қўидаги формула орқали ҳисобланади:

$$ИС_{йил} = 240 \cdot n_{см} \cdot K_{ок} \cdot ИС_{буюм} = 240 \times 2 \times 420 \times 23,86 = 4.810.176 \text{ минг сўм}$$

Бу ерда:

240 – бир йилда иш куни;

н_{см} – сменалар сони ($n_{см}=1 \div 3$ см)

К_{ок} – оқимнинг қуввати, дона

ИС_{буюм} – буюмнинг иқтисодий самарадорлиги, минг сўм.

3. Капитал харажатларни қоплаш муддати қўидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K_{муд} = \frac{K_{БИ} - K_{амал}}{ИС_{йил}}$$

$$K_{муд} = 22.986.105 - 20.100.000 / 4.810.176 = 0,6 \text{ йил}$$

Бу ерда:

К_{БИ} – битирув ишидаги жиҳозларга капитал харажатлар;

К_{амал} – амалдаги жиҳозларга капитал харажатлар;

ИС_{йил} – иқтисодий самарадорлик.

4.4. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар

Техник-иқтисодий кўрсаткичларга қўидагилар киради:

- оқим қуввати;
- ишчилар сони;
- меҳнат унумдорлиги;
- буюмнинг ишлаб чиқариш вақт сарфи;
- буюмга ишлов бериш нархи;
- ўртача тариф коэффицент;
- ўртача тариф разряд;
- буюмнинг тўла таннархи;
- капитал харажатлар;
- йиллик иқтисодий самара;
- қоплаш муддати.

Илова: 1-7-кўрсаткичлар «Технологик қисм»дан ТИК жадвалидан олинади.

8-11-кўрсаткичлар «Ташкилий-иқтисодий қисм»дан олинади.

5-6-устунларнинг ечими «Технологик қисм»да ТИК ҳисобида келтирилган.

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирликлари	Кўрсаткичлар		Оқишлар	
			<i>K_{амал}</i>	<i>K_{БИ}</i>	Абсо- лют (±)	Нисбий (%)
1.	Оқим қуввати	дона	434	420	14	-3.2
2.	Ишчилар сони	ишчи	50	48	-	-
3.	Меҳнат унумдорлиги	дона	8.7	8.8	0,23	1.1
4.	Вақт сарфи	соат	1.18	0.94	-0,24	-20
5.	Ишлов бериш нархи	сўм	443.47	419.61	-23,86	-5.3
6	Ихтисослик даражаси		0.71	0.64	-0,07	-9.8
7	Буюмнинг таннарни	тўла сўм	30.821,9	30.573,89	-248,02	-1
8	Капитал харажатлар	млн. сўм	22.350.00	20.100.00	2.250.00	-10
9	Йиллик иқтисодий самара	млн. сўм	-	4.810.176	-	-
10	Қоплаш муддати	йил	-	0,6	-	-

5. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ БУЛИМИ

Хаёт фаолияти хавфсизлиги - инсонни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ булмаган фаолиятда унинг атроф-муҳитга антропологик таъсирини ҳисобга олган ҳолда хавфсизлигини таъминловчи билимлар тизимини тушунамиз. Хаёт фаолияти хавфсизлиги ҳар қандай йўналиш бўйича ўзини изланиш объектига мақсад ва вазифасига ҳамда методологик йўлига боғлиқ. Хавфсизлик деганда биз инсон ҳаёт фаолияти давомида мавжуд бўлган салбий омилларни таъсир эҳтимолини маълум даражада ёки буткул бартараф қилинганини тушунамиз.

Ташқи муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси бугунги куннинг муаммоси эмас. Инсоният тараққиётининг турли босқичларида бу муаммолар ҳар турли қирралари билан кўриниш бериб келган. Масалан, ўрта аср бошларида жаҳоннинг катта шаҳарларида исиниш учун ва бошқа мақсадлар учун тош кўмрдан фойдаланиш бошланган кезларда бу шаҳарлар тутуннинг кўпайиб кетиши натижасида одамлар тутунга қарши кураш эълон қилгани ҳақида маълумот бор.

Асримизнинг 50-йилларидан бошлаб автомобилсозликнинг ривожланиши туфайли автомобил двигателларида ёнишдан ҳосил бўлган газ дунё миқёсида энг хавfli экологик мувозаннинг бузилишига олиб келадиган омилга айланди. Дунё ахборот агентликлари маълумотларига қараганда сайёрамиз ҳудудидаги катта шаҳарларнинг деярли ҳаммасида автомобиллар чиқарган газлар муаммоси кўндаланг турибди.

Ишлаб чиқариш муҳитининг метеорологик шароитлари

Ишлаб чиқариш муҳитининг, жумладан, бино, уйларнинг метеорологик шароитлари ёки микроқлим тушунчасига ҳаво ҳарорати, унинг намлиги ва ҳаракатчанлиги, босими, шу билан бирга қизиқ кетган асбоб ускуна, ишланадиган материал ва буюмлардан ажралиб чиққан инфрақизил ҳамда ультрабинафша нурлар киради.

Ишлаб чиқариш муҳитининг микро-иқлимга иккита асосий ички ва ташқи сабаблар боғлиқ бўлади. Ички сабаблар нисбатан доимий характерга

эга бўлиб, ишлаб чиқариш технологиясига, қўлланадиган асбоб-ускуналарга ва санитария-техникавий қурилмаларга боғлиқ бўлади. Ички сабабларнинг таъсир кучи қўлланиладиган асбоб-ускуналарнинг қувватига ва санитария-техникавий қурилмаларнинг сифатига боғлиқ бўлади. Ташқи сабаблар ўзгарувчан характерга эга бўлиб, йил фаслларига, об-ҳавога, кеча ва кундузга боғлиқ бўлади. Ташқи сабабларнинг таъсир кучи биноларнинг деворга, томига, қандай материалдан қурилганига, ромларнинг бор йўқлигига ва уларнинг йўқлигига ва уларнинг сифатига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш биноларнинг иссиқлик режими, бино ичига тушиб турган куёш нурларидан ажралиб чиқадиган иссиқликдан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш биноларидаги ажралиб чиқадиган иссиқликнинг бир қисми очик жойлардан ташқарига чиқиб кетади, қолган иккинчи бир қисми аниқ иссиқлик бино ҳавосини қизишига сабабчи бўлади.

Ишлаб чиқариш биноларининг лойихалаштириш санитария нормаларига (СН 245-71) асосан, ишлаб чиқариш биноларини аниқ иссиқлик ажралиб чиқишига қараб иккига бўлинади: иссиқ ишлаб чиқариш биноларида аниқ иссиқлик ажралиб чиқиши 20 ккал м соатдан кўп дейилади ва совуқ(нормал) ишлаб чиқариш бинолари, қачонки аниқ иссиқлик ажралиб чиқиши 20 ккал м/ соатдан ошмайди.

Ишлаб чиқариш биноларида ҳаво иссиқ жисмларга тегиши натижасида исийди, енгиллашади ва юқорига кўтарилади, ўнинг ўрнини эса ундан сал оғирроқ совуқ ҳаво эгаллайди, ўз навбатида у ҳам иссиқ жисмларга тегиб исийди ва юқорига кўтарилади. Шундай қилиб ҳавонинг доимий ҳаракатда бўлгани учун фақат иссиқ жисмлар атрофидаги ҳаво иссиб қолмасдан ишлаб чиқариш биноларининг ҳамма еридаги ҳаво исийди. Бундай иссиқлик узатилиши конвекцион иссиқлик узатилиши йўли дейилади.

Ҳамма қизиган жисмлар ўзидан нурлар чиқаради. Нурлар характерли жисмнинг ҳароратига боғлиқ бўлади. Иссиқлик ажралиб чиқарадиган жисмларнинг ҳарорати 500 С ва ундан юқори бўлса кўзга кўринадиган ёруғлик нурлари билан бирга, кўзга кўринмайдиган инфрақизил нурлар

ажралиб чиқа бошлайди. 500 С ҳароратда эса инфрақизил нурлари ажралиб чиқаради.

Ўздан иссиқлик чиқарадиган жисмларнинг ҳарорати 2500-3000С ва ундан юқори бўлганда, ёруғлик ва инфрақизил нурлар билан бир қаторда ультрабинафша нурлар ҳам ажралиб чиқа бошлайди. Бу нурлар ишлаб чиқариш бинолари ҳавосини иситмайди, лекин улар тарқалиш йўлида ҳар хил жисмларга дуч келиб шу жисмларда қисман юритиладилар, юритилиш жараёнида нур энергияси иссиқлик энергиясига айланиш натижасида жисмларни қиздиради ва ўз навбатида қизиган жисмлар иссиқлик манба бўлиб, атрофдаги ҳавони иссиқлатади. Бундай иссиқлик узатилиши нур тарқатиш *иссиқлик узатилиши йўли* дейилади.

Ҳар бир ишлаб чиқариш биносидаги ҳаво доимо ҳаракатда бўлади. Бунинг асосий сабаби, ҳаво массаларининг текис қизимаслиги натижасидир, иссиқ ҳаво билан совуқ ҳаво доимо ўрин алмаштириб турадилар. Иссиқ ишлаб чиқариш биноларида қизиган сатхиларнинг бўлиши, юқорига йўналувчи конвекцион ҳаво оқими пайдо бўлишига ва уларнинг ўрнига ташқаридан келадиган совуқроқ ҳавонинг оқиб келишига сабабчи. Ҳаво қанчалик кўп қизиса, унинг ҳажмий оғирлиги шунчалик камаяди ва шунчалик тезлик билан бинонинг юқори зоналарига кўтарилади. Иссиқлик ажратадиган манбалари кўп бўлган ишлаб чиқариш биноларида ҳаво оқимининг бундай ҳаракати жуда кучли бўлади (4-5м.сек.). Натижада катта тезликдаги ташқаридан келадиган совуқ ҳаво оқими етарли даражада иссиқ ҳаво оқими етарли даражада иссиқ ҳаво оқими билан аралашмайди, ва шу ҳолатда кўп иш жойларига тарқаб кетади. Ҳаётда бу елвузак деб айтилади.

Ҳавода ҳар доим бир оз миқдорда сув буғлари бўлади. Бир килограмм ёки бир кубометр ҳаводаги сув буғларининг миқдори (грамм ҳисобидаги) унинг максимал намлигини белгилайди. Максимал намлик ҳаво ҳароратига боғлиқдир, ҳаво ҳарорати қанчалик юқори бўлса, унда сув буғлари шунчалик кўп бўлиши мумкин, яъни унинг максимал намлиги шунчалик катта бўлади.

Айни вақтда бир килограмм ёки бир кубометр ҳаводаги сув буғларининг миқдори ҳавонинг абсолют намлиги деб аталади.

Айни ҳароратда абсолют намликнинг максимал намликка бўлган нисбати ҳавонинг нисбий намлиги деб аталади ва у фоизда ифодаланади.

Максимал ва абсолют намлик ўртасидаги фарқ тўйиниш камчилиги деб аталади; тўйиниш камчилиги текширилаётган ҳавонинг максимал тўйиши юзага келгунича унинг бир килограмм сув буғларини яна қабул қила олишини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш биноларининг технологик жараёни ҳавонинг намлигига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Сув ва сувли эритмалар билан ишлов бериш усулларидадан фойдаланиладиган пайтларда ҳаво намлиги янада ошиб кетади. Айниқса улар иситилса ёки қайнатиладиган бўлса ва улардан чиқадиган буғ тепага тўсиқсиз кўтарилиб кетса ҳавонинг нисбий намлиги 80-90% ва ҳатто 100%га етиши мумкин. Бундай ҳавонинг қўшимча сувни қабул қилиш хусусияти жуда чекланган бўлади ёки тамоман йўқолади.

Корхонанинг микроклим шароитлари

Инсон организми ҳаво ҳароратининг жуда катта ўзгаришга мослаша олади. Чунки одам организмида узлуксиз равишда иссиқлик пайдо бўлади ва у ташқарига ажралиб чиқиб туради, бунинг натижасида иссиқликнинг пайдо бўлиши ва сарф қилиниши орасидаги доимий нисбат ҳамда ҳарорат бир хил даражада сақланиб туради. Бу физиологик жараён эса организмнинг иссиқлик алмашуви дейилади.

Одам организмида узлуксиз пайдо бўладиган иссиқлик ташқарига уч хил йўл билан чиқади: конвекция, нур тарқатиш ва терлаш. Нормал микроклимда (ҳаво ҳарорати 20С атрофида) конвекция йўли билан 30% атрофида, нур тарқатиш йўли билан 45% атрофида, терлаш йўли билан эса 25% атрофда организмдан иссиқлик ажралиб чиқади.

Ҳаво ҳарорати юқори бўлганда ёки ҳавода инфрақизил нурлар бўлганида, организмнинг нормал иссиқлик ажралиб чиқиш жараёни бузилади. Агар ҳаво ҳарорати тенг ёки ундан ортиқ бўлса, организм ўзидан

конвекция йўли билан иссиқлик чиқара олмайди. Борди-ю бунинг устига ҳавога қизиган жисмлардан инфрақизил нурлар ажралиб чиқиб турган бўлса, организм ўзидан нурланиш йўли билан иссиқлик чиқара олмайди. Бундай ҳолларда организмнинг иссиқлик алмашуви жуда қийинлашади, чунки организмдаги ортиқча иссиқлик фақат терлаш йўли билан ташқарига чиқади. Ҳаво намлиги юқори бўлган шароитда эса организмдан терлаш йўли билан чиқадиган иссиқлик қийинлашади ва организмдан ортиқча иссиқлик конвекция ва нур тарқатиш йўли орқали чиқади.

Ноқулай иқлим шароитида организмнинг иссиқлик алмашуви жараёни бузилиши (ўзгариши) натижасида, организмдаги ҳаётий зарур аъзоларнинг нормал ишлаши қийинлашади ва физиологик функциялари ўзгаради.

Юқори ҳарорат юрак ва қон томир системасига жуда катта таъсир кўрсатади. Юқори ҳарорат таъсири натижасида қон томир уруши тезлашади ва организм ҳарорати кўтарилишига сабабчи бўлади. Бу эса организм иссиқлик алмашувининг бузилишидан дарак беради.

Юқори ҳарорат таъсири натижасида қон босими пасаяди, қоннинг кимёвий таркиби ўзгаради. Иссиқ ҳаво таъсирида организмдан суюқликлар билан бир қаторда жуда кўплаб газлар ҳам ажралиб чиқади. Организмнинг сув тузи баланси бузилиши натижасида кишилар томир тортиш касаллигига учрашлари мумкин.

Юқори ҳарорат овқатланиш аъзоларига ва витамин алмашувига ҳам ёмон таъсир қилади. Кишилар жуда иссиқ ҳаволи муҳитда узоқ муддат ишлари натижасида улар организми қизиб кетиши мумкин, яъни иссиқ уруши мумкин.

Бутун организмнинг ортиқча қизиб кетишидан пайдо бўлган иссиқ урушидан офтоб урушини фарқ қилиш керак. Офтоб уруши иссиқлик нурларининг тўғридан-тўғри бошга таъсир қилишдан ва бош миянинг 40-42 градусгача иссишида пайдо бўлади. Бунда тана ҳарорати нормал ҳолда қолиши ёки салгина кўтарилиши мумкин. Баъзида офтоб-иссиқ урушининг аралаш формалари учрайди.

Совуқ ҳавонинг организмга таъсири жуда яхши ўрганилмаган, шу нарса маълумки совуқ ҳавонинг таъсири натижасида организмларнинг ҳар хил бактерияларга бўлган қаршилиги сусаяди. Натижада кишилар грипп, нафас олиш йўлларини шамоллаши, ўпка шамоллаши, нервни ва бош мияни шамоллаши касали билан касалланадилар. Шунинг учун ҳам бу касалликлар шамолланиш касаллиги деб аталади.

Ҳавонинг намлиги ва ҳаракатчанлиги ҳам киши организмга сезиларли таъсир қилади ва организмнинг иссиқлик алмашувининг ўзгаришида ифодаланади.

Шовқин ва унинг инсон танасига таъсири

Шовқин, силкиниш ва ультратовушлар ажралиб чиқишга қараб бир хил бўлади улар ҳаммаси жисмларнинг тебранишидан ташкил топиб, бизнинг эшитиш аъзоларимиз томонидан қабул қилинади. Улар бир-бирларидан фақат тебраниш частотаси билан ва одамлар уларни ҳар хил қабул қилиши билан фарқ қиладилар.

20гцдан 20000 гц гача тебранишларни товуш деб аталади ва уларни биз товушдек эшитамиз. Шундай бир қанча товушларни тартибсиз қўшилиши шовқин деб аталади. 20 гц дан паст бўлган тебранишларни инфратовуш деб аталади. 20000 гц дан юқори бўлган тебранишларни эса ультратовуш дейилади. Ультратовушларнинг биз эшита олмаймиз, уларни фақат баъзи бир уй хайвонларигина эшита олади.

Қаттиқ жисмларнинг тебранишига ва шу тебранишларни жисмларнинг ўзлари ёки бошқа қаттиқ жисмлар орқали ўзатилишига силкиниш дейилади. Силкинишни биз чайқалишдек қабул қиламиз ва уларни тебраниш частотаси 1 гц дан 100 гц гача бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек турли частотадаги ҳар хил товушларнинг тартибсиз қўшилишиб эшитилиши шовқин деб аталади. Ритимларга риоя қилинган ҳолда мунтазам равишда келиб чиқадиган оҳанграбо товушларга музыкали товушлар деб аталади. Музыка ва шунингдек, шовқин, бир вақтнинг ўзида товуш чиқарадиган қатор оддий ёки соф тонлар, яъни товуш

чиқарадиган жисмларнинг майин тебранишидан келиб чиқадиган товушлардан иборат. Шунинг учун ҳар қандай овоз алоҳида компонентларга бўлиниши мумкин. Музыка бизга эстетик завқ беради, шовқин эса ғашимизни келтирадиган даражада таъсир қилади.

Қаттиқ шовқин эшитиш органларига ёмон таъсир қилиши натижасида ишчиларнинг эшитиш қобилияти пасайиб кетади. Бунда, аввало энг кучли даражада юқори тебраниш частотасига эга бўлган товушларни қабул қилиш бузилади. Бу кўпинча юқори частотага эга бўлган пичирлаб гапиришни яхши эшитмаслик билан ифодаланади. Жуда кўп тебранишларга эга бўлган товушлар қар бўлиб қолишда асосий роль ўйнайди. Паст товушлар ёки оз сонли тебранишларга эга бўлган товушлар, гарчи уларнинг кучи ёки тебраниш амплитудаси катта бўлганда ҳам деярли зарарсиз ҳисобланади. Бу қозончаларда ва қозончаларда пневматик асбоблар билан ишловчи ҳамда бошқа одамлардан ажралган ҳолда яққа ишловчи бошқа касб эгаларида эшитиш қобилиятининг тезда пасайиб кетиши билан ифодаланади.

Чанглар ва уларнинг хусусиятлари

Чанг деб, ҳавода қаттиқ жисмларнинг майда зарраларинимаълум бир вақтда осилиб турилишига айтилади. Чанглар ҳаво таъсири остида доимо ҳаракатда бўлади. Ишлаб чиқариш биноларидаги ҳавонинг таркибида, у ёки бу миқдорда чанг бўлади, ҳатто нисбатан тоза чангсиз деган хоналарда ҳам маълум миқдорда чанг бўлади. Буни оддий қуролланмаган кўз билан ҳам ўтиб турган қуёш нурларига қараганда кура олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш биноларида чангни кўплаб ажралиб чиқиши, ишлаб чиқариш технологиясини характериға боғлиқ. Ишлаб чиқариш шароитида чанг ажралиб чиқиши кўпинча механик жараёнлар билан боғлиқдир, масалан, бураб тешиш, парчалаш, ишқалаш, элаш, ўткирлаш, арралаш, сепиладиган материалларни ташиш, куйиш ва эришдан ҳосил бўлади. Чанг бундай пайтларда ишчилар танаси учун хавфли бўлиб, уларни ўраб турган муҳитни аниқловчи бир омил бўлгани учун биз уларни саноат чанглари деб атаёмиз.

Чангли ишлаб чиқариш биноларида ишловчи ишчилар, чангнинг ҳам ташқи, ҳам ички таъсирига учрайдилар. Чанг оғиз, бурун бўшлиқларига, терига, кўзга ва юқори нафас олиш йўлларига таъсир қилади, сўлак билан ютилиб овқатланиш аъзоларига таъсир қилади ва нафас олинаётган ҳаво билан ютилиб овқатланиш аъзоларига таъсир қилади ва нафас олинаётган ҳаво билан нафас олиш органининг энг узоқ участкаси бўлак ўпкагача бориб етадилар. Чанги ташқи таъсири унча хавфли эмас, чунки ишчи чангли муҳитдан чиқиб, қўлини, бетларини ювиши билан ёки қоқиб ташлаши билан чанг билан бўлган алоқа тугайди. Бундан ташқари тери ҳамма чангларни ҳам ичкарига ўтказмайди ва ўзи ҳам ўларни таъсирига берилмайди.

Сўлак билан ютилиб овқатланиш йўлларига таъсир қиладиган чанглар ҳам унча хавфли эмас, чунки улар оз миқдорда ютиладилар. Энг хавфли чанглар, булар нафас олаётганда организмга кирган чанглардир. Улар нафас олаётган ҳаво билан жуда катта миқдорда организмга кириб, фақат бир қисмигина ташқарига чиқиб кетади. Бундай шароитда жуда кўп миқдордаги чанглар узоқ вақтда нафас олиш йўлларини шиллиқ пардалари билан муносабатда бўладилар ва уларга таъсир қиладилар.

Саноат корхоналарини ёритишга қўйиладиган асосий талаблар

Ёруғлик инсон фаолияти давомида жуда муҳим роль ўйнайди. Кўриш инсон учун асосий маълумот манба ҳисобланади. Умумий олинadиган маълумотнинг тахминан 90% кўз орқали олинади. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарини рационал ёритиш сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шароитини яхшилайти, ишчиларни чарчашдан салайти ва унумдорлигини оширади. Оқилона ёритилган зоналарда ишлаётган ишчиларнинг кайфияти яхши бўлади; шунингдек хавфсиз меҳнат қилиш шароити яратилади ва бунинг натижасида бахтсиз ходисалар кесин касаяди. Бундан кўриниб турибдики, саноат корхоналарини ёритишга фақат гигиеник талаб қўйилмасдан, балки техник иқтисодий талаблар ҳам қўйилади. Электромагнит спекторларининг тўлқин узунликлари 10 н.м дан 340000 н.м гача оралиғи спекторлари оптик жарёни деб аталади, бундан 10 дан 380 нюм

и инфрақизил нурлар, 380 дан 770 н.м и кўринадиган нурлар ва 770 дан 340000 н.м гача бўлганлари эса ультра-бинафша нурлар деб айтилади. Биз кўзимиз билан бинафша рангдан то қизил рангача бўлган ёруғлик нурларини сезамиз.

Электр токининг биологик таъсири – бу тирик организм учун хос бўлган хусусият ҳисобланади. Бу таъсир натижасида мускулларнинг кескин қисқариши туфайли инсон организмидаги тирик хужайралар тўлқинланади, бунда асосан организмдаги биоэлектрик жараён бузилади. Яъни инсон организми асосан биоэлектрик тоқлар ёрдамида бошқарилади. Бунга ташқи муҳитдан юқори кучланишдаги электр токининг таъсири натижасида биотоклар режими бузилади ва оқибатда инсон организмида ток уриш ҳолати вужудга келади. Яъни бошқарилмай қолган организмда ҳаёт фаолиятининг баъзи бир функциялари бошқарилмай қолади: нафас олишнинг ёмонлашуви, қон айланиш тизимининг ишламай қолиши ва х.к.

Корхонада ифлос чиқинди оқова сувларни тозалаш усуллари.

1. Оқова сувларни механик услубда тозалаш.

Бу услубда оқова сув органик, неорганик моддалардан тозаланади. Маиший хизмат, коммунал Хужалиги чиқиндилари (ИЛ) Маҳаллий угит сифатида, саноат корхоналари чиқиндилари қушимча хом-аше урнида ишлатилади.

а) Сузгич-сим темир панжара. Тур кенглиги 15-20 мм булганда тозалаш унумдорлиги 0.1 м 2 суткага тенг булади. Тур ва темир панжаралар орқали ушлаб қолинган аралашмалар махсус майдалагичлар орқали майдаланади сув тозалаш иншоотида қайтарилади.

2. Чуктириш.

а) Кум ушлагич мослама. Кум ушлагич мослама оқова таркибидаги гил, кум, металл заррачаларини, муаллақ моддаларини чуктириш йули билан тозалайди. Муаллақ моддаларнинг диаметри 0.25 мм. гача булганини 15-20% га тозалайди. Кум ушлагич мосламадан утаётган оқова сув тезлиги 0.15

м/сек дан кам ва 0.3 м/сек. дан тез булмаслиги лозим. Оковани утиш вакти (кум ушлагич мосламадан) 2-2,5 мин ташкил килади.

Кум ушлагич мослама остига чуққан кум, гил, органик моддалар киритувчи юритувчи мослама ердамида тозаланиб туради. Кирувчи мосламанинг харакат тезлиги 0.02-0.06 м/сек. булиб иш унумдорлиги 0.4-1,5 м.#соатига тенгдир. Окова сув таркибида коммунал таркибида коммунал хужалик сувларидан 1 кишига 0.02 л/сут, ишлаб чикариш корхоналари оковасида 0.01 л/сутка микдорида булади.

б) Тиндириш.

Филтрлаш усули оркали жуда хам чуқур эришилади. Бу усул механик, химик ва биологик тозалашдан кейин кулланилавди. Филтр учун шагал, кум, мрамар майдалари керамит, атрасит кумири каби материаллардан фойдаланилади.

ЁНГИНХАВФСИЗЛИГИ

Ёнгин иқтисодиётга катта моддий зарар етказди. Бунинг устига, кўп ҳолларда ёнгин вақтида бахтсизлик ходисалари хам рўй беради. Бу эса ўз навбатида ёнгиндан сақланиш ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларини яхши ўрганиб-билиб олиш ҳамда уларни ўзаро узвий боғлай билиш вазифасини юклайди.

Ёнгинга қарши кўрашиш техникасининг вазифалари ёнгин чиқиш сабабларини ўрганиш, ёнгиннинг олдини олишнинг энг мақбул усулларини, шунингдек ёнгинни қисқа вақт ичида ўчириш воситалари ва усулларини топиш ҳамда белгилаб олишдан иборатдир. Ёнгин махсус манбадан ташқарида бўладиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш бўлиб, жуда катта моддий зарар етказди. Ёнгиннинг олдини олиш ва ёнгиндан сақлаш тартиблари ёнгиннинг очиқ аланга ва учқунлар, ҳаво, буюмларнинг юқори температураси, захарли ёниш маҳсуллари, тутун, кислороднинг камайиб кетиши, бино ҳамда иншоатларнинг қулаши ва шикастланиши, портлаш каби омилларнинг одамларга таъсирининг олдини олиш керак. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун ёнгин-портлаш жиҳатдан хавфли модда ва материаллар

ўрнига ёнмайдиган ҳамда қийин ёнадиган материал ва моддалардан иложи борича кўп фойдаланиш, ёнувчи муҳитни изоляциялаш (технологик жараёнларни автоматлаштириш, герметиклаш ва ҳ.к.), ёнғиннинг ёниш манбадан атрофга тарқалишига йўл қўймаслик, ўт ўчириш воситалари, гуруҳли ҳамда якка тартибда ҳимоя воситалари, сигнализация ва ёнғин ҳақида хабар бериш воситаларидан фойдаланиш, ёнғин чикқанда одамларни эвакуация қилиш тартибини тўғри ташкил этиш, объектларни ёнғиндан қўриқлаш зарур.

Куйганда биринчи ёрдам кўрсатиш

Куйишлар терига юқори ҳароратни таъсирида (термик) ва кислота ва ишқорларни таъсирида (кимёвий) содир бўлади. Оғирлиги бўйича куйишлар тўрт даражага бўлинади.

Биринчи даражали куйишда терининг қизариши, унда шиш пайдо бўлиши, иккинчида – суюқликка тулган пуфакларни пайдо бўлиши, учинчида – терини ўлиши, тўртинчида – терининг кўмирга айланиши кузатилади.

Биринчи даражали куйишда терининг куйган жойи тоза сув оқими, совуқ сут маҳсулотлари (қатик, сметана ва бошқа), одекалон, арок ёки марганцовканинг кучсиз эритмаси, 70⁰ ли спирт билан намланади.

Иккинчи ва учинчи даражали куйишда терининг жароҳатланган жойига микробларни ўлдирадиган материал қўйиб боғланади. Суюқликка тўла пуфакларни ёриш ва кийимларни ёпишган жойларини ажратиш мумкин эмас.

Тананинг куйган жойларини кийимлардан ажратишда ўта эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Бундай ҳолларда кийимни ечишда, тананинг куйган жойи шилинмаслиги ва ифлосланмаслиги керак.

Электр ёйи таъсирида кўзлар куйганда уни 2 % ли бор кислотаси эритмаси билан чайиш керак.

Кислота ва ишқорлар таъсирида тананинг куйган жойи 12...20 минут давомида совуқ сув оқими билан ювилади. Сўнг, кислотадан куйган ҳолатда

сода эритмаси билан, ишқорда куйганда эса сирка ёки бор кислотасининг кучсиз эритмаси билан чайилади.

Тўртинчи даражали куйиш терини оғир жароҳатланишига олиб келади, бундан ташқари у жароҳатланган одамни эсанкирашига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда эсанкираш хушни йўқотишга олиб келади. Бунинг натижасида томир уришини қийинчилик билан аниқланилади, кўз айланади, нафас олиш тез ва юзаки бўлади, баъзан сезгирлик йўқолиб, инсон бирдан оқариб кетади. Бундай куйишда врачгача биринчи ёрдам қуйидагилардан иборат бўлади: жароҳатланган кишини куйган жойига ёпишган қолган кийимлари эҳтиётлик билан ечилади. Кийим бўлаклари тортиб олинмайди, балки, куйган жой чегарасидан қайчи билан кесиб олинади. Терига марганцовкани кучсиз эритмаси билан ишлов берилиб стерилланган боғлам қўйилади. Врачгача биринчи ёрдам кўрсатилгандан сўнг жароҳатланган киши тезлик билан тиббиёт муассасасига олиб борилади.

СУНЬИЙ ЕРГА ЎТКАЗГИЧ ҲИМОЯСИНИ ҲИСОБИ.

Сунъий ерга ўтказгич химояси қурилмасини ҳисоблаш, d , мм диаметр трубади, L_T м узунлик, ернинг солиштирма қаршилиги C , Ом.м Мавсумий коэффиценти μ , йил давомида ернинг солиштирма қаршилиги ўзгариши, $K_c=1,3$. Трубалар бир-бири билан пўлат палоса билан боғланади ва $t_0=0,8$ чуқурликда ерга кўмилади.

Масалани ечиш учун кўрсатмалар:

1. Якка трубкасимон ерга ўлаш мосламасининг ток оқими қаршилигининг тузилиши қуйидагича:

$$R_{тр} = \frac{\rho \cdot 2L_T}{2\pi \cdot L_{ТД}} \left(\ln \frac{4t+L_T}{4t-L_T} + \ln \frac{1}{2} \right), \text{ Ом}$$

бу ерда: ρ – тупроқнинг солиштирма қаршилиги (жадвал -1)

t – ер сатҳидан трубади ўрта қисмигача бўлган масофа

($t = t_0 + 0,5 L_T$), м

2. Тупроқ қаршилигини мавсумли ўзгариши билан ҳисоби

$$P''_{тр} = P_{тр} \cdot K_c \text{ Ом}$$

3. Ерга ўтказгични зарурий миқдори n трубадан фойдаланиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда η_3 экранлаштириш ёрдамида уларни ҳисобга олиб трубалар орасидаги (a) масофасига нисбатан уларнинг узунлиги танлаб олинади уларнинг узунлига (L_T)

$$a = \frac{L_T}{n} = 2 \text{ бўлганда } \eta_3 = 0,45 - 0,6$$

$$a = \frac{L_T}{n} = 3 \text{ бўлганда } \eta_3 = 0,6 - 0,8$$

$$P''_{тр} = \frac{P_3 \cdot \eta_3}{H}$$

Бу ерда: $P_3 = 10 \text{ Ом}$ – ерга ўтказгичнинг йўл қўйилган қаршилиги.

1. Қўшилган палосалар узунлиги:

$$L_H = 1,0,5 a \cdot (H - 1), \text{ м}$$

2. Қўшилган палосалар ток оқимининг қаршилиги

$$P_H = \frac{\rho \cdot L_H^2}{2 \cdot \pi \cdot L_H \cdot b \cdot T_1} \cdot L_H$$

b – палосалар кенглиги $b = 0,02 \pm 0,06 \text{ м}$.

T_1 – ер сатҳидан полоса ярмигача чуқурликдаги масофа.

$$(T_1 = T_0 + 0,5 \text{ в}), \text{ м}$$

3. Тупроқ қаршилишининг сезон бўйича ўзгариши ҳисоби.

$$P''_H = P_H \cdot K_c \cdot \text{Ом}$$

4. Барча ерга ўтказгич қурилмаларидаги ток оқимини қаршилиги

$$P''_{тр} + P''_H = \frac{P_3 \cdot K_c}{P''_{тр} \cdot \eta_3 + P''_H \cdot \eta_{гн}} \cdot \text{Ом}$$

$$P''_{тр} \cdot \eta_3 + P''_H \cdot \eta_{гн}$$

η_n – қўшма палоса билан ерга ўтказгич экранировкасини

ижобий хисоби коэффиценти , ($\eta_n=0,8 \pm 0,9$)

η_T – ерга ўтказгич экранировкасини нисбий коэффиценти)

$/\eta_T=0,75 \pm 0,8/$

1-жадвал

Тупроқ	Ернинг қаршилиги 10^2 Ом. м	солиштира
Кум	1 –4	40.00 = 100. 000
Кумлок	1,5-4	13000 – 40,000
Суглинок	0,4 1,9	4000 – 15,00
Тупроқ	0,08-0,7	800 – 7000
Кора тупроқ	0,08-9,3	980- 37000

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХОНАСИДА ИССИҚЛИКНИНГ АЖРАТИШ

МИҚДОРНИ ХИСОБЛАШ.

Вентиляция ёрдамида тикув цехидаги ортиқча иссиқликни чиқариб юбориш учун ҳаво миқдорини ва иссиқлик ажратиш катталигини аниқланг.

Тикув машиналарига уланган электродвигателларнинг умумий қуввати $N_{уст}$.

Цехда бир вақтнинг ўзида n та одам бўлади, 2та электропресс, умумий қуввати N_1 ҳамда 10 та дазмол, N_2 кВт қуввати билан.

Ишлаб чиқариш хонаси уч қаватли бинонинг иккинчи қаватида жойлашган бўлиб, дерезалари икки қаватли ойналар билан қопланган; уларнинг кенглиги 55%. Қуёш нури билан ёритиладиган хона майдони – F , m^2 ундан ташқари ёруғлик лампалар, умумий кучланиш $N_{ерит}$, кВт/ч, ёрдамида тахминланади.

1. Иссиқликни ажратиш катталиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$\Sigma K = K_1 + K_2 + K_3 + K_4 + K_5 + K_6, \text{ к.кал/соат}$$

бу ерда: K_1 – механик энергиянинг иссиқлик энергия айланиши натижасида машиналардан чиқаётган иссиқлик катталиги:

K_2 - одамлардан чиқаётган иссиқлик

K_3 - қуёш радиацияси иссиқлиги

K_4 - сунхий ёритиш иссиқлиги

K_5 - электропресслар иссиқлиги

K_6 - дазмоллар иссиқлиги

2. Тикув машиналардан чиқаётган иссиқлик қуйидаги формула билан аниқланади.

$$K_1 = N_{уст} \cdot \frac{\eta_1 \cdot \eta_2}{\eta_3} \cdot 860 \text{ ккал/соат}$$

Бу ерда: $N_{уст}$ – тикув машиналарига қўйилган
электродвигателларнинг қуввати, кВт .
860- иссиқлик эквиваленти 1 кВт ккал/соат

η_1 – бир вақтда ишлайдиган машиналар
коэффициенти – 0,6-0,8

η_2 – электродвигателларнинг юкланиш
коэффициенти - 0,6-0,7

η_3 – фойдаланиш коэффициенти (1-жадвал).

3. Ишчилар чиқараётган иссиқлик қуйидаги формула билан
аниқланади.

$$K_2 = 125 \cdot n \text{ ккал/соат}$$

Бу ерда: n – ишчиларнинг бир вақтда ишга келишдаги сони

4. Радиация ойна орқали кириб келаётган Қуёш иссиқлигининг
катталиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$K_3 = \Gamma_{ойна} \cdot \Phi \cdot \mu, \text{ ккал/ч.}$$

Бу ерда: Φ – бир вақтда тушаётган қуёш ёруғлигининг ойна
юзасидаги максимал катталиги m^2

μ - хисобга олинган ойнакларнинг коэффициенти
(икки қаватли ойнак учун – 1,5)

$\Gamma_{ойна}$ – ойна юзасидан ўтаётган қуёш иссиқлиги
катталиги. коэффициент (2-жадвал)

5. Сунҳий ёруғликдан келаётган иссиқлик миқдори

$$K_4 = \eta \cdot 860 \cdot N_{ёрит}, \text{ ккал/соат билан ўлчанади.}$$

Бу ерда: η – электро энергиянинг қайтиш қисми иссиқликка ўтишни
кўрсатувчи коэффицент (чўлғамли лампа учун – $\eta = 0,96$)

$N_{ёрит}$ - ёритиш манбаҳсининг қуввати, кВт

6. Электропресслардан чиқараётган иссиқлик миқдори

$$K_5 = n_1 K_{бъ}, \text{ ккал/соат билан ўлчанади.}$$

Бу ерда: n_1 – электропресслар сони;

Қъ- электропресслардан чиқараётган иссиқлик (3-жадвал)

7. Дазмоллардан чиқаетган иссиқлик миқдори

$Q_6 = n_2 Q_{\text{қъ}}$, ккал/соат билан ўлчанади

Бу ерда: n_2 – электр дазмолларнинг сони

Қъ- электр дазмоллардан чиқаетган иссиқлик
ккал/соат (4-жадвал)

8. Ортикча иссиқликни хайдаш учун ҳаво миқдорини аниқлаш

учун формула:

ΣQ

$V_{\text{г}} = \frac{\Sigma Q}{C(t_1 - t_2)}$, м³/соат

$C(t_1 - t_2) * \dot{V}$

Буерда: ΣQ – ҳонаданажралибчиқаетганиссиқликнингумумий
миқдори

C - ҳаводаги солиштирма иссиқлик хажми,

($C = 1$ кДж/кг•К);

t_1 , - ҳонадан чиқиб кетаётган ҳаво температураси, °С; t_2 - ҳонага
юборилаётган ҳаво температураси, °С;

Й - ҳаво зичлиги (Й – 1,2кг/м³).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУҲИТИНИНГ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИ

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш зоналари ҳаво муҳитининг об-
ҳаво шароитини ҳавонинг қуйидаги кўрсаткичлар белгилайди:

1. Ҳавонинг ҳарорати, °С билан ўлчанади.
2. Ҳавонинг нисбий намлиги, W% бмлан аниқланади.
3. Ҳаво босими, P мм сим.уст.ёки Па билан ўлчанади.
4. Иш жойларидаги ҳаво ҳаракати, м/с билан ўлчанади.

Булардан ташқари об-ҳаво шароитига таъсир қилувчи ишлаб чиқариш
омиллари ҳам мавжуд,булар ҳар хил машина-механизмлар ва ишлов
берилаётган материаллар юзаларидан тарқаладиган иссиқлик нурлари ҳам
ҳаво ҳароратини оширишга олиб келади.

Бу омиллар таъсиридаан ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш зонасидаги ҳаво муҳитини саноат микроиқлими деб юритилади.

Об-ҳаво омиллари ҳар бири айрим ҳолда ёки бир нечаси бирликда инсоннинг меҳнат қилиш қобилиятига, соғлиғига жуда катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш шароитида об-ҳаво омилларнинг деярли ҳаммаси бир вақтда таъсир қилади. Баъзи шароитларда бундай таъсир кўрсатиш фойдали бўлиши, масалан совуқ шароитда қуритиш натижасида камайтирилиши мумкин, баъзи вақтларда эса, бир-бирига қўшилиши натижасида зарарли таъсир даражаси ортиб кетиши мумкин, масалан нисбий намлик ва ҳароратнинг ортиб кетиши инсон учун оғир шароит вужудга келтиради. Бундан ташқари иш жойларидаги ҳаво ҳаракатини ошириш ҳарорат юқори бўлган вақтда ижобий натижа беради, ҳарорат паст бўлган вақтда эса, салбий натижа беради.

Бундан кўриниб турибдики об-ҳаво омиллари баъзи бир ҳолларда инсон учун ижобий ва баъзи бир ҳолларда эса, салбий таъсир кўрсатиб, инсон организми ташқи муҳитга мослашувини бузиб юбориши мумкин. Ташқи муҳитга мослашув -бу инсон организмининг физиологик ва химик жараёнлар асосида тана ҳароратининг бир хил чегарада ($36-37^{\circ}\text{C}$) сақлаб туриш қобилиятини демакдир.

Об-ҳаво шароитнинг доимо ўзгариб турувчи шароитида тана ҳароратининг ўзгармаслигини сақлаш, инсон ҳаётининг асосий бўлган организмдаги биохимик жараёнларнинг нормал шароитини таъминлайди. Тана ҳароратининг юқорида кўрсатилган даражадан ортиб кетиши иссиқлаш, совиши эса, совиш деб аталади. Иссиқлаш ва совиш ҳаёт фаолиятини бузувчи ҳалокатли ҳолат вужудга келтириши мумкин.

Шунинг учун ҳам инсон организмда ташқи муҳит билан мослашуви физиологик механизми мавжуд бўлиб, у марказий нерв системасининг назорати остида бўлади. Бу физиологик механизмнинг асосий вазифаси организмда модда алмашинувчи натижасида ажралиб чиқаётган иссиқликнинг ортиқчасини ташқи муҳитга чиқариб, иссиқлик балансини

сақлаб туришдир. Ташқи муҳитга мослашув икки хил: физик ва химик бўлиши мумкин. Химиявий ташқи муҳитга мослашув организмнинг иссиқлаш даврида модда алмашинувини камайтириши ва совиши натижасида модда алмашинувини ошириш мумкин. Аммо химиявий ташқи муҳитга мослашув ташқи муҳитнинг кескин ўзгариши борасида физик ташқи муҳитга мослашувга нисбатан аҳамияти катта эмас.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ШАМОЛЛАТИШ

Инсон ҳаётида ҳавонинг аҳамияти жуда катта бўлиб, унинг кимёвий таркиби, физик хусусиятлари таркибида ҳар хил моддаларнинг бўлиши, ҳаводан нафас олиб, меҳнат қилаётган кишилар учун жуда муҳим. Чунки ҳавонинг тозалиги инсон саломатлигини сақловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ер атмосфераси қуруқ ҳаво билан маълум миқдордаги сув буғларининг аралашмасидан ташкил топган. Қуруқ атмосфера ҳавосининг таркиби 78% азот, 20,9% кислород, 0,93% аргон, 0,03% карбонат ангидриди ва кам миқдорда гелий, неон, криптон ва бошқа газлар бўлиб шулардан инсон учун энг зарури ҳаво таркибидаги кислороднинг мавжудлигидир.

Ҳаво ҳолати унинг босими, зичлиги, ҳарорати, абсолют намлиги, намлик сиғими, нисбий намлиги, иссиқлик сиғими ва бошқалар билан белгиланади.

Корхоналардаги ишлаб чиқариш биноларида ажралиб чиқаётган ҳар хил зарарли моддаларни шамоллатиш йўли билан тозаланиб, захарланиш ва касбий касаллақларни олдини олишга эришиш мумкин ҳисобланади.

Шамоллатиш ишлаб чиқариш биноларидаги ҳавони керагича алмаштиришни таъминлаш билан бир қаторда, ишловчи ходимлар ҳамда технологик жараённинг бориши учун қулай шароит яратади.

Ҳавонинг ҳаракатланиш усулига кўра шамоллатиш икки турга бўлинади.

Табиий шамоллатиш усулида, биноларга ҳаво алмаштириш табиий кучлар, гравитацион иссиқлик ва шамол босими таъсирида киради ва чиқиб кетади

ХУЛОСА

Битирув ишимнинг мавзуси ип газлама матосидан боғча ёшидаги ўғил болалар ёзги костюми (сорочка ва шорти).

Битирув иши услубий кўрсатма мундарижа асосида бажарилган. Янги ва замонавий техника ва технология қўлланиш натижасида қуйидаги техник иқтисодий кўрсаткичларга эришилган.

- Оқим қуввати -20 % ошди.
- Ишчилар сони ўзгармади.
- Вақт сарфи 16,07% камайди.
- Мехнат унумдорлиги 20% ошди.

Бундан ташқари битирув малакавий ишини бажаришда бизда бугунги кунда тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатиб келинаётган базавий ва замонавий тикувчилик машиналари турлари, улардаги узел ва механизмлари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтириб уларни таҳлил қилдик. Юқори тезлигли замонавий (Пффаф) тикув машинаси асосий механизмларининг ишлаш принципини тўлиқ ўрганиб чиқиб, кейим деталларини тикишда баҳяқатор ҳосил бўлишида бевосита иштирок этадиган ип-тортгич механизмнинг структуравий таҳлили ҳамда Чебишев формуласи асосида игна механизмининг қўзғалувчанлик даражаси доим бирга тенг ($W=1$) бўлишини аниқланадик.

АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Т., «Шарқ», 1997
2. И.А.Каримов «Таълим тўғрисида қонун Т., «Ўқитувчи»,1997
3. И.А.Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч», Т., «Шарқ»
4. А.Я.Изместьева ва бошқалар «Проектирование предприятий швейной промышленности» М., «Легпихпром», 1983.
5. М.Ш.Жабборова «Тикувчилик технологияси», Т., «Ўқитувчи», 1999.
6. А.Я. Изместьева ва бошқалар «Технологические расчеты основных цехов швейных фабрик», М., «Легкая индустрия», 1978.
7. В.П.Нестеров. Автоматизированная система проектирования технологических процессов. Л.И. 1980.
8. Мода журналлари
9. Олимов Қ.Т, Узакова Л.П. Швейные машины.Шарқ», Ташкент,2006.
10. Рейбарх Л.Б., Лейбман С.Я., Рейбарх Л.П. Оборудование швейного производства. Легпромбытиздат, М., 1988, с.288
11. Жўраев А.Ж. ва бошқ. Машина ва механизмлар назарияси. Гофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, Тошкент-2004.
12. http://www.light-industry.ru/catalogue/c_33366.html
13. <http://www.ucheba.ru/prof-article/12185.html>
14. <http://www.cultinfo.ru/fulltext/1/001/008/109/486.htm>
- 15.. http://www.oborudunion.ru/db/s_21/legkaya-i-tekstilnaya-promyshlennost.html
- 16.. <http://www.legprominfo.ru/prom/>